ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ ЖАВЛОН ЖЎРАБОЙ ЎҒЛИ

МАХСУСЛИККА ЭГА БЎЛГАН АЙЛАНА АКСЛАНТИРИШЛАРИ ВА ТЕРМОДИНАМИК ФОРМАЛИЗМ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

УДК: 517.9

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ ЖАВЛОН ЖЎРАБОЙ ЎҒЛИ

МАХСУСЛИККА ЭГА БЎЛГАН АЙЛАНА АКСЛАНТИРИШЛАРИ ВА ТЕРМОДИНАМИК ФОРМАЛИЗМ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM208 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Джалилов Ахтам Абдурахманович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ганиходжаев Расул Набиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Рахматуллаев Музаффар Мухаммаджанович физика-математика фанлари доктори (DSc)
Етакчи ташкилот:	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» декабрь соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Диссертация автореферати 2020 йил «____» ____________ куни тарқатилди.
(2020 йил «____» ____________ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда динамик системалар назарияси масалаларига олиб келади. Айлана гомеоморфизмлари назарияси замонавий бир ўлчовли аксляантиришлар назариясида муҳим йўналишларидан биридир. Дастлаб, айлана гомеоморфизмлари А. Пуанкаре илмий ишларида осмон механикаси масалаларини ечишда ўрганилган. Айлана гомеоморфизмлари назариясинининг фундаменталь натижалари машҳур математиклар А. Пуанкаре, А. Данжуа, А.Н. Колмогоров, В.И. Арнольд, Ю. Мозер, М. Эрман, Ж.К. Йоккоз, Я.Г. Синай, К.М. Ханин, Д. Орнстейн ва бошқалар ишларида келтирилиб ўтилган. Айлана гомеоморфизмларини тадқиқ қилиш динамик системалар ва эҳтимоллар назарияси масалаларининг турли моделларини яратишда ўз талқинига эга бўлганлиги сабабли, айлананинг махсусликка эга бўлган аксляантиришлари назариясида олинган натижалар ҳам назарий, ҳам тадбиқий жиҳатдан аҳамиятли ва замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда айлана аксляантиришлари билан боғлиқ масалаларни ечиш динамик системалар назариясининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Айлана диффеоморфизмлари айлана аксляантиришларининг муҳим синфи саналади. Маълум маънода айлана диффеоморфизмлари бугунга қадар яхши ўрганилган. Айлана аксляантиришларининг табиий умумлашмаси сифатида критик аклантиришлар ва бўлакли-силлиқ аклантиришларни қараш мумкин. Шундай махсусликларга эга бўлган аксляантиришларни ўрганишда термодинамик формализм методи муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: синиш нуқталарига ва иррациональ буриш сонига эга бўлган айлана аксляантиришлари учун инвариант ўлчовнинг сонли характеристикалари асимптотик ҳолатларини ўрганиш; синиш нуқталарига эга бўлган бўлакли-силлиқ айлана гомеоморфизмлари учун тушиш вақтлари ҳақидаги лимит теоремани исботлаш; синиш нуқталарига айлана гомеоморфизмлари учун термодинамик формализм қуриш масалалари мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ва ишлаб чиқаришда татбиқ этиладиган фундаментал фанларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Айлана гомеоморфизмларининг татбиқи нафақат аниқ ва табиий фанларда, балки иқтисодий масалаларда, ахборотлаштириш назариясида, биологияда, медицинада, юрак касалликларини ташҳис қилишда ва қон таҳлилини ўрганишда қўлланилади. Бугунги кунда махсусликка эга бўлган айлана гомеоморфизмларини тадқиқ қилишда мухим натижаларга эришилди. «Динамик тизимлар назарияси»[1] фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Қарор ижросини таъминлашда динамик системалар ва айлана гомеоморфизмлари назариясини ривожлантириш мухим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Термодинамик формализм методи статистик физикада кенг қўлланилади. Динамик системалар назариясида термодинамик формализм методи биринчи маротаба Я.Г. Синай томонидан Аносов диффеоморфизмларини тадқиқ қилишда қўлланилган. 1978 йилда М. Фейгенбаум кесма акслантиришларининг бир параметрли оилаларида бифуркация ҳодисасининг икки баробарга ортишини ўрганишда биринчи маротаба ренормализацион группалаш (РГ) методидан фойдаланган. Кейинчалик РГ методи динамик системаларнинг кўплаб масалаларини тадқиқ қилишда муҳим воситалардан бирига айланди. Қўшмаларнинг силлиқлик масаласи Я.Г. Синай ва К.М. Ханин, Й. Кацнельсон и Д. Орнстейн ишларида ечимини топган. Сўнгги 20 йилда РГ методи ёрдамида критик акслантиришлар ва синиш нуқталарига эга бўлган гомеоморфизмлар учун “қаттиқлик масаласи” ечилди.

1985 йилда Е.Б. Вул, Я.Г. Синай ва К.М. Ханин ишида $[-1,1]$ кесманинг Фейгенбаум акслантиришлари учун термодинамик формализм қурилган. Маълумки, Фейганбаум акслантириши мос бўлган ренормализацион группалаш алмаштиришининг қўзғалмас нуқтаси ҳисобланади. А. Джалиловнинг ишида буриш бурчаги γ «олтин кесим» га тенг бўлган $T(\gamma)$ критик айлана гомеоморфизми учун термодинамик формализм (ТФ) қурилган ва сингуляр инвариант ўлчовнинг сонли характеристикалари ўрганилган. Қурилган ТФ асосида махсус нуқтанинг ренормализация атрофига нормалланган тушиш вақтларини лимит холатлари ўрганилган.

Тушиш вақтларининг ҳолатларини тадқиқ қилиш замонавий математик анализнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Тушиш вақтлари учун тақсимот қонунлари турли хилдаги акслантиришлар учун тадқиқ қилинган: тордаги гиперболик автоморфизмлар ва Марков занжирлари, А-диффеоморфизмлар ва чекли типдаги Гельдер потенциалли силжишлар, бўлакли-чўзилувчан айлана акслантиришлари ва айлана диффеоморфизмлари. З. Коэло ва Э. де Фария ишларида айлананинг иррациональ буриш акслантиришларии учун ренормализация атрофига тушиш вақтларининг лимитик ҳолатлари ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф-4-(37-29) «*A*-аналитик функцияларнинг функционал хоссалари ва уларнинг тадбиқлари. Матрицавий соҳаларда комплекс анализнинг айрим масалалари» (2017–2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инвариант ўлчовнинг сонли характеристикалари асимптотик ҳолатларини ва синиш нуқталарига эга бўлган бўлакли-силлиқ айлана гомеоморфизмлари учун тушиш вақтларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

синиш нуқталарига ва иррационал буриш сонига эга бўлакли-силлиқ айлана гомеоморфизмлари учун термодинамик формализм қуриш;

Лебег бўйича абсолют узлуксиз ўлчовларнинг айлана гомеоморфизмлари ёрдамида ҳосил қилинган бир томонлама кетма-кетликлар фазосида суришга нисбатан инвариант ўлчов қуриш;

синиш нуқталарига эга бўлган айлана гомеоморфизмлари учун инвариант ўлчовнинг сонли характеристикалари асимптотик ҳолатлари ҳақидаги лимит теоремани исботлаш;

Синиш нуқтасининг камаювчи атрофига нормаланган тушиш вақтларининг яқинлашишини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти синиш нуқталарига эга бўлган бўлакли-силлиқ айлана гомеоморфизмлари, ренормализация, динамик бўлиниш, инвариант ўлчов, тушиш вақти.

Тадқиқотнинг предмети — динамик системалар, айлана гомеоморфизмлари назарияси, инвариант ўлчов.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ишда математик анализ, функционал анализ, эргодиклик назарияси, бир ўлчовли динамика ва эҳтимоллар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

буриш бурчаги «олтин кесим» га тенг ва синиш нуқталарига эга айлана гомеоморфизмлари учун синиш нуқта орбитасига ва динамик бўлинишларига оид теоремалар исботланган;

буриш бурчаги «олтин кесим» га тенг ва синиш нуқталарига эга айлана гомеоморфизмлари учун синиш нуқтаси чексиз орбитаси ёрдамида термодинамик формализм қурилган;

бир томонлама кетма-кетликлар фазосида айлана гомеоморфизмлари томонидан ҳосил қилинган, Лебег ўлчовига нисбатан абсолют узлуксиз бўлган чапга суришга нисбатан инвариант ўлчов мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган;

битта синиш нуқтасига эга ва иррационал буриш сони узлуксиз касрга ёйилмаси $\rho=[m_1,m_2,\ldots,m_l,m_{l+1},\ldots]$, $m_s=1$, $s\geq l+1>0$ кўринишда ва синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеоморфизмлари инвариант ўлчовининг сонли кўрсаткичлари учун лимит теорема исботланган;

Синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеморфизмлари учун ичма-ич интервалларга, нормалланган биринчи тушиш вақтига мос тақсимот функциялари кетма-кетлиги учун лимит мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган. Бундан ташқари, лимит тақсимот функцияси тўғри чизиқда узлуксиз ва $[0,1]$ кесмада қатъий ўсувчилиги исботланган. Шунингдек, лимит тақсимот функциясини $[0,1]$ кесмада сингуляр бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сингуляр инвариант ўлчовнинг сонли кўрсаткичлари ҳисобланган ва тақсимот функциялари кетма-кетлигининг суст яқинлашишини динамик системалар, математик анализ масалаларини ечишда ва уларнинг тадбиқларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик мулоҳазалар ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланиб, бир ўлчовли динамика, эргодиклик назарияси ва математик анализнинг маълум усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти термодинамик формализм методи ёрдамида инвариант ўлчовнинг сингулярлик кўрсаткичларини топиш ва тақимот функцияларини яқинлашишини исботлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация натижалари бир нечта синишга нуқталарига эга ва критик нуқталарга эга айлана гомеоморфизмларини тадқиқ қилишда, шунингдек, кесманинг хаотик акслантиришларини асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги илмий-тадқиқот проектларида жорий этилган:

Синиш нуқтасига эга бўлган силлиқ айлана акслантиришлари фазосида ренормгруппа операторининг фиксирланган нуқтаси мавжудлиги ва ягоналигига оид натижалар Утара Малайзия университетининг FRGS/1/2018/STG06/UUM/02/13 рақамли “Ночизиқли каср тартибли дифференциал тенгламаларни қўзғалмас нуқтанинг умумлашган усули ва гомотопик анализ усули билан ечиш” хорижий грантида каср тартибли Риман-Лиувилл дифференциал ва интеграл операторларидан фойдаланган ҳолда ночизиқли операторларнинг қўзғалмас нуқталарини ўрганишда қўлланилган. (Утара Малайзия университетининг (Малайзия) 2020 йил 21 октябрдаги UUM/CAS(SQS)/L-2 рақамли маълумотномаси). Ушбу натижалар каср тартибли дифференциал тенгламалар ечимлари мавжудлигини исботлаш имконини берган.

Бир нуқтада синишга эга бўлган айлана акслантиришлари учун инвариант ўлчовнинг сингулярлик кўрсаткичлари хоссаларидан MRU-OT-9/2017 рақамли “Кўп ўзгарувчили комплекс анализ” мавзусидаги лойиҳада сингулярлик кўрсаткичлари ҳақидаги лимит теоремани исботлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 23 октябрда берилган 89-03-4187 рақамли маълумотнома). Илмий натижанинг қўлланилиши Лебег ўлчови ва инвариант ўлчов бўйича юқори ва қуйи сингулярлик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги теоремани исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 96 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Динамик системалар назариясидан зарур бўлган маълумотлар» деб номланган ва эргодиклик назарияси, синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеоморфизмлари ва айлана акслантиришлари учун тушиш вақтларига доир зарурий маълумотларни ўз ичига олган.

1.1 параграфда эргодиклик назариясига доир баъзи таърифлар ва фактлар келтирилган: инвариант ўлчов тушунчаси, эргодиклик, Биркгоф-Хинчин эргодик теоремаси, эҳтимоллик инвариант ўлчов мавжудлиги тўғрисидаги Боголюбов-Крылов теоремаси. Ушбу барча маълумотлар диссертация натижаларини баён қилишда қўлланилган.

1.2 параграфда айлана гомеоморфизмлари назарияси, динамик бўлиниш ва символик динамикага доир бошланғич маълумотлар келтирилган.

S^1 айлана $0 \le x < 1$ ярим интервал билан айнийлаштирилган, бу ерда x - S^1 да циклик координата. 0 дан 1 га қараб йўналиш айланадаги мусбат йўналиш дейилади.

Таъриф 1.2.1. *Агар қуйидаги шартлар бажарилса* $T: S^1 \to S^1$ *акслантириш айлана гомеоморфизми дейилади:*

1) T *акслантириш* S^1 *да ўзаро бир қийматли.*

2) T *ва* T^{-1} *акслантиришлар* S^1 *да узлуксиз.*

Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $f: R^1 \to R^1$ функцияни қараймиз:

a) $f(x)$ функция R^1 да қатъий ўсувчи ва узлуксиз;

b) Ихтиёрий $x \in R^1$ лар учун $f(x+1) = f(x) + 1$.

$f(x)$ функция ёрдамида қуйидаги формула орқали йўналишни сақловчи T_f айлана гомеоморфизмини аниқлаш мумкин: $T_f x = \{f(x)\}$, $x \in S^1$, бу ерда $\cdot$ соннинг каср қисмини ифодалайди. $f(x)$ функция T_f гомеоморфизмнинг аниқловчи функцияси дейилади.

Таъриф 1.2.3. *Агар* f *ва* f^{-1} *функциялар* R^1 *да узлуксиз ҳосилаларга эга бўлса,* $T_f: S^1 \to S^1$ *гомеоморфизм диффеоморфизм дейилади.*

T_f диффеоморфизм $C^r(S^1)$, $r > 1$ синфдан деймиз, агар $f \in C^r(R^1)$ бўлса. Агар f_1 ва f_2 айнан бир гомеоморфизмни аниқласа, у ҳолда барча $x \in R^1$ лар учун қуйидаги ўринли: $f_1(x) = f_2(x) + k$, k - бутун сон.

Таъриф 1.2.4. *Айтайлик* $g: M \to M$ *акслантириш берилган бўлсин.* $x_0 \in M$ *нуқта даври* $k, k > 1$ *га тенг бўлган даврий нуқта дейилади, агар қуйидаги шартлар бажарилса:*

$$g^{(i)}(x_0) \neq g^{(j)}(x_0),\ 0 \leq i < j \leq k-1 \ \text{ ва }\ g^{(k)}(x_0) = x_0.$$

$g(x_0) = x_0$ *ҳолида* x_0 *нуқта* g *акслантиришнинг қўзғалмас нуқтаси дейилади.*

А. Пуанкаренинг фундаменталь теоремасини келтирамиз.

Теорема 1.2.1. (Пуанкаре). $T_f: S^1 \to S^1$- *йўналишни сақловчи айлана гомеоморфизми ва* $f\ x$ *- ушбу гомеоморфизмнинг ихтиёрий аниқловчи функцияси бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $x \in R^1$ *лар учун қуйидаги лимит мавжуд*

$$\lim_{n\to\infty} \frac{f^{(n)}\ x}{n} = \rho(T_f, f)$$

ва унинг қиймати $x \in R^1$ *нуқтани танлаб олишга боғлиқ эмас.* ρ *сони рационал бўлиши учун* T_f *даврий траекторияга эга бўлиши зарур ва етарли.*

$\rho(T_f, f)$ сони T_f гомеоморфизмни аниқловчи f га боғлиқ. Агар $f_2(x) = f_1(x) + k,\ k \in Z^1$ бўлса, у ҳолда, равшанки, $\rho(T_{f_2}, f_2) = \rho(T_{f_1}, f_1) + k$.

Таъриф 1.2.5. S^1 *да йўналишни сақловчи* T_f *айлана гомеоморфизми ва* $f\ x$ *- ушбу гомеоморфизмнинг аниқловчи функцияси бўлсин.* $\rho(T_f) = \lim\limits_{n\to\infty} \dfrac{f^{(n)}(x)}{n} \pmod 1$ *сони* T_f *гомеоморфизмнинг буриш сони дейилади.*

T_f гомеоморфизмни аниқловчи $f(x)$ функциялар ичида $0 \leq f(0) < 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи $\rho(T_f, f) = \rho(T_f)$ бўлган $f(x)$ ягона аниқловчи функция мавжуд. Кейинги ўринларда гомеоморфизмни аниқловчи функция ҳақида гап кетганда, айнан ушбу функцияни назарда тутамиз. Буриш сони қуйидаги маънода инвариант бўлади: Агар T_1, T_2 - S^1 да йўналишни сақловчи айлана гомеоморфизмлари бўлиб ва T_1 ни T_2 га ўтказувчи $\varphi: S^1 \to S^1$ гомеоморфизм мавжуд бўлса, яъни барча $x \in S^1$ лар учун $\varphi(T_1 x) = T_2 \varphi(x)$, у холда $\rho(T_1) = \rho(T_2)$. Кейинги ўринларда буриш бурчаги иррационал деб фараз қиламиз. $T_\rho x = x + \rho$, $x \in S^1$ гомеоморфизм ρ бурчакга чизиқли буриш дейилади.

Таъриф 1.2.8. *T_1 ва T_2 айлана гомеоморфизмлари топологик эквивалент дейилади, агар шундай йўналишни сақловчи $\varphi: S^1 \to S^1$ гомеоморфизм мавжуд бўлиб қуйидаги тенглик ўринли бўлса: $\varphi(T_f x) = T_\rho(\varphi(x))$, $\forall x \in S^1$. φ га қўшма гомеоморфизм ёки қўшмаси дейилади.*

Теорема 1.2.7. (Данжуа). *Фараз қилайлик T_f айлана диффеоморфизми бўлсин, унинг буриш сони $\rho = \rho(T_f)$ иррационал бўлсин. Агар T_f нинг $f(x)$ аниқловчиси S^1 да узлуксиз ҳосилага эга бўлиб, $f'(x) > 0$, ва $\operatorname{var}_{S^1} \ln f'(x) < \infty$ шартлар бажарилса, у ҳолда T_f билан T_ρ топологик эквивалент бўлади.*

1.3 параграфда синиш нуқталарига эга бўлган айлана гомеоморфизмлари синфига оид зарурий таъриф ва фактлар келтирилган. Сўнгги 20 йилда синиш нуқталарига эга бўлган айлана акслантиришлари К. Ханин, Д. Хмелев, А. Теплинский, Д. Смания, Д. Майер, А. Джалилов ва бошқалар ишларида кенг ўрганилди.

Синиш нуқталарига эга бўлган бўлакли-силлиқ гомеоморфизмлар айлана диффеоморфизмларининг табиий умумлашмаси ҳисобланади. $b \in [0,1)$ нуқта синиш нуқтаси дейилади, агар ушбу нуқтада биринчи ҳосила мавжуд бўлмаса. Синиш нуқталарига эга бўлган содда гомеоморфизмлар сифатида бўлакли-чизиқли айлана гомеоморфизмларини кўриш мумкин. М. Эрман иккита синиш нуқтасига ва иррационал буриш сонига эга бўлакли-чизиқли айлана гомеоморфизмларининг инвариант ўлчови абсолют узлуксиз бўлиши учун ушбу икки синиш нуқтаси битта орбитада ётиши зарур ва етарли эканлигини кўрсатган. Синиш нуқталарига эга бўлган бўлган ночизиқли бўлакли-силлиқ айлана гомеоморфизмларининг инвариант ўлчовлари К. Ханин, А. Джалилов, Д. Майер, И. Лиусс, Х. Ахадкулов, Д. Смания ва бошқалар ишларида ўрганилган.

Диффеоморфизмлардан фарқли равишда бундай гомеоморфизмларнинг инвариант ўлчовлари Лебег ўлчовига нисбатан сингуляр бўлади (К. Ханин, А. Джалилов, Д. Майер, И. Лиусс, Х. Ахадкулов). Синиш нуқталарига эга етарлича силлиқ (синиш нуқталари орасида) гомеоморфизмлар ренормализацияси каср-чизиқли акслантиришларга апроксимацияланади (К. Ханин, Д. Хмелев, А. Теплинский, Д. Смания).

1.4 параграфда айлана гомеоморфизмлари учун тушиш вақтига доир зарурий таъриф ва теоремалар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Битта синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеморфизмлари учун эҳтимоллик инвариант ўлчовнинг сингулярлик кўрсаткичлари» деб номланган ва битта синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеморфизмларини тадқиқ қилишга бағишланган.

2.1 параграфда ренормгруппа алмаштиришларнинг даврий нуқталари ва синиш нуқталарига эга бўлган айлана гомеоморфизмлари учун термодинамик формализм ўрганилган.

X_b орқали қуйидаги шартларни бажарувчи, қатъий ўсувчи ва узлуксиз бўлган ($f(x),\ x\in[-1,0],\ g(x),\ x\in[0,\alpha]$) функциялар жуфтлиги тўпламини белгилаймиз:

а) $f(0)=\alpha, g(0)=-1$; б) $f(-1)=g(\alpha)$;

в) $f(g(0))=f(-1)<0$; г) $f^{(2)}(g(0))\geq 0$;

д) $f(x)\in C^{2+\varepsilon}([-1,0])$, $g(x)\in C^{2+\varepsilon}([0,\alpha])$ $\forall\ \varepsilon>0$.

а) - в) шарт қуйидаги формула орқали $(f,g)\in X_b$ акслантиришлар жуфтликлари ёрдамида $[-1,\alpha)$ (чекка нуқталари билан айнийлаштирилган) айлана гомеоморфизмини қуриш имконини беради:

$$T_{f,g}(x)=\begin{cases} f(x),\ \text{агар}\ x\in[-1,0), \\ g(x),\ \text{агар}\ x\in[0,\alpha). \end{cases}$$

$X_b(\omega)$ орқали буриш сони “олтин кесим” га тенг бўлган, яъни $\rho(T_{f,g}):=\omega=\frac{\sqrt{5}-1}{2}$, $(f,g)\in X_b$ жуфтликлардан ташкил топган қисм тўпламни белгилаймиз.

Ренормгруппа алмаштириши $R_b : X_b(\omega)\rightarrow X_b(\omega)$ ни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз: $R_b(f(x),\ g(x))=(\tilde{f}(x),\ x\in[-1,0];\ \tilde{g}(x),\ x\in[0,\alpha'])$, бу ерда $\tilde{f}(x)=-\alpha^{-1}f(g(-\alpha x)),\ \tilde{g}(x)=-\alpha^{-1}f(-\alpha x),\ \alpha'=-\alpha^{-1}f(-1).$

Синиш катталигини аниқлаймиз: $c=\sqrt{f'(-0)/f'(+0)}.$ Е. Вул ва К. Ханин ишида фиксирланган $c\neq 1$ учун $X_b(\omega)$ қисм тўпламда R_b алмаштириш даври иккига тенг бўлган ягона даврий траекторияга $\{f_i(x,c_i),\ g_i(x,c_i),\ i=1,2\}$ эга эканлиги исботланган. $f_i(x,c_i)$ ва $g_i(x,c_i)$, $i=1,2$ функциялар қуйидаги кўринишга эга:

$$f_i(x,c_i)=\frac{(\alpha_i+c_i x)\beta_i}{\beta_i+(\beta_i+\alpha_i-c_i)x}, \qquad g_i(x,c_i)=\frac{\alpha_i\beta_i(x_i-c_i)}{\alpha_i\beta_i c_i+(c_i-\alpha_i-c_i\beta_i)x},$$

бу ерда $\alpha_1=\frac{c-\beta_0^2}{1+\beta_0},\ \ \alpha_2=\frac{c^{-1}-\beta_0^2}{1+\beta_0},\ \ c_1=c,\ \ c_2=c^{-1},\ \ \beta_1=\beta_2=\beta_0,$

β_0 - ушбу $\beta^4-\beta^3-\beta^2\frac{(c+1)^2}{c}-\beta+1=0$ тенгламанинг (0,1) интервалда ётувчи ягона илдизи. $[-1,\alpha_i),\ i=1,2$ интервал чекка нуқталарини айнан тенглаштирган ҳолда S_i, $i=1,2$ айланага эга бўламиз. (f_i, g_i), $i=1,2$ жуфтлик ёрдамида $T_i : S_i \to S_i$ айлана гомеоморфизмини аниқлаш мумкин. Кейинги ўринларда T_1 гомеоморфизмни ўрганамиз. Иккинчи T_2 гомеоморфизм аналогик тарзда ўрганилади. T_1 гомеоморфизм x_0 ва $x_1 = T_1(x_0)$ нуқталарда синишга эга ҳамда бу нуқталарда синиш катталиклари кўпайтмаси c_1 га тенг. T_1 гомеоморфизмни T_b деб белгилаймиз.

Таъриф 2.1.1. *Агар $\Phi \circ T = G \circ \Phi$ тенгликни қаноатлантирувчи йўналишни сақловчи $\Phi \in C^k(S^1)$ гомеоморфизм мавжуд бўлса ($k \ge 1$ учун $\Phi^{-1} \in C^{-1}(S^1)$ бажарилиши зарур), у ҳолда йўналишни сақловчи икки T ва G айлана гомеоморфизмлари C^k қўшма.*

Маълумки, T_b гомеоморфизмнинг буриш сони ω га тенг. $\frac{p_n}{q_n}$, $n \ge 1$ орқали ω сонининг n- мос касрларини белгилаймиз. q_n сони қуйидаги тенгламани қаноатлантиради: $q_{n+1} = q_n + q_{n-1},\ q_0 = 1,\ q_1 = 1$. q_n сонини Фибоначчи сонлари дейилади. $B(T_b)$ тўплам орқали T_b билан C^1 қўшма бўлган барча айлана гомеоморфизмлари тўпламини белгилаймиз. Ихтиёрий $T \in B(T_b)$ акслантиришни қараймиз. $T \in C^{2+\varepsilon}(S^1 \setminus \{x_0,\ T(x_0)\})$, $\varepsilon > 0$ акслантириш x_0 ва $T(x_0)$ да синиш нуқталарига эга ва буриш сони “олтин кесим” га, яъни ω га тенг эканлигини кўришимиз мумкин. Айтайлик, $x_0 \in S^1$ бўлсин. Айлананинг $\{\mathbb{P}_n(x_0), n \ge 1\}$ динамик бўлиниши кетма-кетлигини аниқлаймиз. Барча $n \ge 1$ лар учун $\Delta_0^{(n)}(x_0)$ орқали x_0 ва x_{q_n} нуқталарни туташтирувчи кесмани белгилаймиз. $\Delta_i^{(n)}(x_0) = T^i(\Delta_0^{(n)}(x_0)),\ i \ge 0$ бўлсин. У ҳолда $\mathbb{P}_n(x_0)$ бўлиниш $\{\Delta_i^{(n)},\ 0 \le i < q_{n+1}\}$ ва $\{\Delta_j^{(n+1)}, 0 \le j < q_n\}$ кесмалар системасидан ташкил топади. $\mathbb{P}_n(x_0)$ дан $\mathbb{P}_{n+1}(x_0)$ га ўтишда барча $\Delta_j^{(n+1)}(x_0)$, $0 \le j \le q_n - 1$, «қисқа» кесмалар сақланади ва барча $\Delta_i^{(n)}(x_0)$, $0 \le i < q_{n+1}$, «узун» кесмалар қуйидаги кўринишда иккига бўлинади: $\Delta_i^{(n)} = \Delta_i^{(n+2)} \bigcup \Delta_{i+q_n}^{(n+1)}$. $\mathbb{P}_n(x_0)$ динамик бўлиниш ёрдамида қуйидаги тарзда символик динамика қуриш мумкин. Айтайлик, $x \in S^1 \setminus \mathbb{O}_T(x_0)$ бўлсин. Агар $x \in \Delta_i^{(n+1)}(x_0),\ 0 \le i < q_n$ бўлса, у ҳолда $a_{n+1} := a_{n+1}(x) = a$ бўлсин. Айтайлик, $x \in \Delta_i^{(n)}(x_0)$, $0 \le i < q_{n+1}$ бўлсин. x нуқта $\Delta_i^{(n+2)}(x_0)$ кесмага ёки $\Delta_{i+q_n}^{(n+1)}(x_0)$ кесмага тушади. Биринчи ҳолатда $a_{n+1} = 0$ ва иккинчи ҳолатда $a_{n+1} = 1$ бўлсин. Шу тарзда ўзаро-бир қийматли мосликга эга бўламиз.

$$\varphi : S^1 \setminus O_f(x_0) \leftrightarrow \{\, \underline{a} = (a_1, a_2, \ldots a_n, \ldots), a_n = a, 0, 1, \text{ бунда } a_{n+1} = a \text{ бўлиши учун}$$
$$a_n = 0,\ n \ge 1 \text{ бўлиши зарур ва етарли}\} =: \Theta_+ .$$

Бунда $\mathbb{P}_n(x_0)$ динамик бўлинишнинг ҳар бир $\Delta^{(n)}$ кесмасига узунлиги n га тенг бўлган ягона сўз $(a_1, a_2, \ldots, a_n)$ мос келади. Айтайлик,

$\Delta^{(n)} := \Delta(a_1, a_2, \ldots, a_n)$ бўлсин. S^1 даги Лебег ўлчови Θ_+ да λ_0 эҳтимоллик ўлчовини ҳосил қилади: $\lambda_0(a_1, a_2, \ldots, a_n) := |\Delta(a_1, a_2, \ldots, a_n)|$. S^1 айланадан Θ_+ чексиз сўзлар фазосига ўтишда, T акслантириш $T: \Theta_+ \to \Theta_+$ га ўтади.

Энди худди шундай a,0,1 алфавитга эга бўлган бошқа, бир томонли чексиз сўзлар фазоси Ω ни аниқлаймиз. $\Omega := \{\underline{a} = (a_1, a_2, \ldots, a_n, \ldots), a_n = a, 0, 1,$ бунда $a_{n+1} = 0,$ бўлиши учун $a_n = a,\ n \geq 1$ бўлиши зарур ва етарли$\}$. Кейинги ўринларда $\vec{a}$ орқали $(a_1, a_2, \ldots, a_n)$ векторни белгилаймиз, $\underline{b}$ орқали $(b_1, b_2, \ldots, b_n, \ldots)$ чексиз сўзни ифодалаймиз. Қуйидаги функцияни аниқлаймиз:

$$\underline{\gamma}(x) = \begin{cases} (a, 0, a, 0, \ldots, a, 0, \ldots), & \text{агар } x = a, \\ (0, a, 0, a, \ldots, 0, a, \ldots), & \text{агар } x = 0,\ 1. \end{cases}$$

Энди термодинамик формализм тўғрисидаги теоремани келтирамиз.

Теорема 2.1.1. *Барча $T \in B(T_b)$ акслантиришлар учун шундай ягона, узлуксиз (тихонов топологиясида) $U_b : \Omega \to (-\infty, 0)$ функция мавжудки, у қуйидаги хоссаларга эга:*

1) *Ω фазодан олинган барча $\underline{a} = (a_1, \ldots, a_k, a_{k+1}, \ldots, a_n, \ldots)$ ва $\underline{b} = (a_1, \ldots, a_k, b_{k+1}, \ldots, b_n, \ldots)$ лар учун қуйидаги баҳо ўринли: $|U_b(\underline{a}) - U_b(\underline{b})| \leq C_1 \cdot q^k$, бу ерда $C_1 > 0$ ва $q \in (0,1)$ константалар $\underline{a}$, $\underline{b}$ ва k ларга боғлиқ эмас.*

2) *$\Delta_{s_n}^{(n)} \subset \Delta_{s_r}^{(r)}$, $1 \leq r < n,\ 0 \leq s_r \leq q_{r+1} - 1,\ 0 \leq s_n \leq q_{n+1} - 1$ ва $\varphi(\Delta_{s_n}^{(n)}) = (b_1, \ldots, b_r, \ldots, b_n)$, $\varphi(\Delta_{s_r}^{(r)}) = (b_1 \ldots, b_r)$ берилган бўлса, у ҳолда ушбу тенглик ўринли:*

$$|\Delta_{s_n}^{(n)}| = (1 + \psi_r(b_1, b_2, \ldots, b_n))\, |\Delta_{s_r}^{(r)}| \exp\{\sum_{s=r}^{n} U_b(b_s, b_{s-1}, \ldots, b_r, \ldots, b_1,\ \underline{\gamma}(b_1))\},$$

бу ерда $|\psi_r(b_1, b_2, \ldots, b_n)| \leq C_2 \cdot q^r$, ва $C_2 > 0$ константа r, n ва $(b_1, b_2, \ldots, b_n)$ ларга боғлиқ эмас.

2.2 параграфда бир нуқтада синишга эга бўлган айлана акслантиришлари томонидан символик фазода ҳосил қилинган инвариант ўлчовлар ўрганилган. Айланада иккита табиий эҳтимоллик ўлчови мавжуд: λ Лебег ўлчови ва T га нисбатан μ инвариант ўлчов. Таъкидлаш жоизки, T га нисбатан μ инвариант ўлчов Θ_+ да μ_+ эҳтимоллик ўлчовини ҳосил қилади: $\mu_+(a_1, ..., a_n) = \mu(\Delta(a_1, ..., a_n))$.

2.2 параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теорема ҳисобланади.

Теорема 2.2.2. *$T \in C^{2+\varepsilon}(S^1 \setminus \{x_b\}),\ \varepsilon > 0,$ битта x_b синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеоморфизми бўлсин, ихтиёрий $x \in S^1 \setminus \{x_b\}$ лар учун $T'(x) \geq Const > 0$ бажарилсин ва буриш сони олтин кесим, ω га тенг бўлсин. μ ва λ орқали айланада мос равишда $T-$инвариант ўлчов ва Лебег* *ўлчовларини белгилаймиз. μ_+ ва λ_+ лар Θ_+. да ҳосил қилинган ўлчовлар бўлсин. У ҳолда*

1) *μ_+ ўлчов σ чапга суриш акслантиришига нисбатан инвариант;*

2) *ҳосил қилинган λ_+ Лебег ўлчовига нисбатан абсолют узлуксиз ν $\sigma-$ инвариант ўлчов мавжуд;*

3) *ҳосил қилинган μ_+ ўлчов λ_+ га нисбатан сингуляр.*

2.3 параграфда битта синиш нуқтасига эга бўлган айлана акслантиришлари учун инвариант ўлчовнинг сингулярлик кўрсаткичлари ўрганилган. Инвариант ўлчовнинг қуйи ва юқори сингулярлик кўрсаткичларини аниқлаймиз.

$$\underline{\tau}(x)=\liminf_{\delta\to0}\frac{\ln\mu([x,x+\delta])}{\ln|\delta|},\quad \overline{\tau}(x)=\limsup_{\delta\to0}\frac{\ln\mu([x,x+\delta])}{\ln|\delta|}.$$

$\underline{\tau}(x)$ ва $\overline{\tau}(x)$ функциялар T га нисбатан инвариант бўлади. Бундан, шунингдек T нинг μ_T ва λ ларга нисбатан эргодиклигидан, ушбу икки функциялар μ_T ва λ ўлчовлар бўйича деярли ўзгармас эканлиги келиб чиқади. Бу ўзгармас функцияларни мос равишда $\overline{\tau}(\mu)$, $\underline{\tau}(\mu)$ ва $\underline{\tau}(\lambda)$, $\overline{\tau}(\lambda)$ лар билан белгилаймиз. А. Джалилов битта синиш нуқтасига эга ва «чегараланган типдаги» иррационал буриш сонига эга (яъни ρ_T ни узлуксиз касрга ёйишдан ҳосил бўлган элементлар кетма-кетлиги чегараланган) $T\in C^{2+\varepsilon}(S^1\setminus\{x_b\})$, $\varepsilon>0$ айлана гомеоморфизмлари учун қуйидаги баҳолашлар ўринли эканлигини кўрсатган:

$$1<\underline{\tau}(\lambda)\le\overline{\tau}(\lambda)<+\infty,\qquad 0<\overline{\tau}(\mu)\le\underline{\tau}(\mu)<1.$$

Энди 2.3 параграфнинг асосий натижасини келтирамиз.

Теорема 2.3.1. $T\in C^{2+\varepsilon}(S^1\setminus\{x_b\})$, $\varepsilon>0$, *битта x_b синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеоморфизми бўлсин. Фараз қиламиз, $\rho=\rho_T$ буриш бурчаги иррационал ва унинг узлуксиз касрга ёйилмаси қуйидаги кўринишга эга: $\rho=[m_1,m_2,\dots,m_l,m_{l+1},\dots]$, бу ерда $m_s=1$, $s\ge l+1>0$. $\mu=\mu_T$ эҳтимоллик T - инвариант ўлчов. У ҳолда λ Лебег ўлчови бўйича (μ ўлчов бўйича ҳам) деярли барча x лар учун қуидаги чекли лимит мавжуд:*

$$\lim_{\delta\to0}\frac{\ln\mu([x,x+\delta])}{\ln|\delta|}=\tau_\lambda\ \ (\tau_\mu),$$

ва унинг қиймати x га боғлиқ эмас. Шунингдек, τ_λ ва τ_μ константалар фақатгина ρ буриш сонига боғлиқ.

Диссертациянинг учинчи боби «Синиш нуқталарига эга бўлган айлана гомеморфизмлари учун сингуляр лимит тақсимоти» деб номланган ва синиш нуқталарига эга бўлган айлана гомеморфизмлари учун нормалланган тушиш вақтларининг суст яқинлашишини ўрганишга бағишлангшан.

3.1 параграфда буриш сони иррационал бўлган умумлашган динамик бўлинишлар ўрганилаган. T иррационал буриш сони ρ олтин кесимга тенг бўлган гомеоморфизм бўлсин. $T_\rho x = x+\rho \,(\mathrm{mod}\,1)$, $x\in S^1$, ρ бурчакга чизиқли буриш бўлсин. Иккита айланани қараймиз. Биринчи айланада T гомеоморфизм, иккинчи айланада T_ρ таъсир қилсин. Биринчи айланада ётган x_0 ва иккинчи айланада ётган t_0 нуқталарни қараймиз. Ушбу нуқталар динамик бўлиниши структураси биринчи ва иккинчи айланаларда мос тушади. q_n, $n\geq 1$ T гомеоморфизм учун биринчи қайтиш вақти бўлсин. $c\in(0,1]$ ни фиксирлаймиз. Барча $n\geq 1$ лар учун $c_n(\rho)$ нуқталарни қуйидаги тенглик ёрдамида ягона тарзда аниқламиз: $\mu\,[x_0,c_n(\rho)] = c\cdot\mu\,[x_0,T^{q_n}x_0]$, бу ерда μ - T гомеоморфизмнинг инвариант ўлчови. Яхши маълумки, $\mu\,[x_0,T^{q_n}x_0] = |[t_0,T_\rho^{q_n}t_0]|$ бажарилади, бу ерда $|\cdot|$ кесма узунлигини билдиради. $\Delta_{n,c}$ орқали $[x_0,c_n(\rho))$ интервални белгилаймиз. Қуйидагиларни киритамиз: $A_0^{(n)}=[x_0,T^{-q_{n+2}}c_n],\ B_0^{(n)}=[x_{-q_{n+1}},c_n],\ C_0^{(n)}=[T^{-q_{n+2}}c_n,x_{-q_{n+1}}].$

Теорема 3.1.1. $A_i^{(n)}$, $0\leq i<q_{n+2}$, $B_j^{(n)}$, $0\leq j<q_{n+1}$, $C_k^{(n)}$, $0\leq k<q_{n+3}$ *кесмаларни қараймиз, бу ерда* $A_i^{(n)}:=T^i(A_0^{(n)})$, $B_j^{(n)}:=T^j(B_0^{(n)})$ *ва* $C_k^{(n)}:=T^k(C_0^{(n)})$.*Қуйидаги тасдиқлар ўринли:*

1. $\Delta_l^{(n)}=A_l^{(n)}\bigcup C_l^{(n)}\bigcup B_l^{(n)}\bigcup C_{l+q_{n+2}}^{(n)},\ 0\leq l<q_{n+1}$ *ва*
$\Delta_s^{(n+1)}=A_{s+q_{n+1}}^{(n)}\bigcup C_{s+q_{n+1}}^{(n)},\ 0\leq s<q_n.$
2. $A_i^{(n)}$, $B_j^{(n)}$ *и* $C_k^{(n)}$ *ўзаро кесишмайди (чекка нуқталаридан ташқари);*
3. $\left(\bigcup\limits_{i=0}^{q_{n+2}-1}A_i^{(n)}\right)\bigcup\left(\bigcup\limits_{j=0}^{q_{n+1}-1}B_j^{(n)}\right)\bigcup\left(\bigcup\limits_{k=0}^{q_{n+3}-1}C_k^{(n)}\right)=S^1;$

3.2 параграфда битта синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеморфизмлари учун нормалланган тушиш вақтларининг суст яқинлашиши ўрганилади. ρ иррационал буриш сони олтин кесимга тенг бўлган T айлана гомеоморфизмини қараймиз. Ихтиёрий $z_0\in S^1$ нуқтани фиксирлаймиз. z_0 нуқтанинг атрофини қараймиз. $c\in(0,1]$ ни фиксирлаймиз. Барча $n\geq 1$ лар учун қуйидаги тенглик ёрдамида ягона тарзда $c_n=c_n(\rho)$ нуқтани аниқлаймиз: $|[z_0,c_n]|=c\cdot|[z_0,T_\rho^{q_n}(z_0)]|$. $\Delta_{n,c}\,z_0$ орқали $[z_0,c_n]$ интервални белгилаймиз. $E_{n,z_0}^{(1)}(x)$ функция x нуқтанинг $\Delta_{n,c}\,z_0$ интервалга 1-марта тушиш вақти бўлсин: $E_{n,z_0}^{(1)}(x)=\inf\ n\geq 1:\ T^nx\in\Delta_{n,c}\ z_0$. $E_{n,z_0}^{(1)}(x)$ функция ҳам c га боғлиқ. Барча $x\in S^1$ лар учун $T^mx\in\Delta_{n,c}\ z_0$ бўлган $m>0$ вақт моментларини қараймиз. Улар x нуқта траекториясининг $\Delta_{n,c}\ z_0$ интервалга тушиш вақтлари дейилади. $E_{n,z_0}^{(k)}(x)$ орқали x нуқтанинг $\Delta_{n,c}\ z_0$ интервалга k-чи тушиш вақтларини белгилаймиз, яъни

$$E^{(k)}_{n,z_0}(x)=\inf\ \ n:\ n>E^{(k-1)}_{n,z_0}(x),\ T^n x\in\Delta_{n,c}\ \ z_0\ \ .$$

$E^{(1)}_{n,z_0}(x)$ функция 1 дан q_{n+3} гача бўлган қийматларни қабул қилади. $\bar{E}_{n,z_0}(x)=\dfrac{1}{q_{n+3}}E^{(1)}_{n,z_0}(x)$ бўлсин. $\Phi_{n,z_0}(t)$ орқали $\bar{E}_{n,z_0}(x)$ нинг Лебег ўлчовига нисбатан тақсимот функциясини белгилаймиз: $\Phi_{n,z_0}(t)=\lambda\ \ x\in S^1:\ \bar{E}_{n,z_0}(x)\le t\ \ $, $\forall t\in\mathbb{R}^1$.

3.2 параграфнинг асосий натижасини келтирамиз.

Теорема 3.2.3. $c\in(0,1]$ *фиксирланган бўлсин.* $T\in C^{2+\varepsilon}(S^1\setminus\{x_0\})$, $\varepsilon>0$, *битта* x_0 синиш нуқтасига эга ва ρ *иррационал буриш сони олтин кесимга тенг, яъни* $\rho=\dfrac{\sqrt{5}-1}{2}$, *бўлган айлана гомеоморфизми бўлсин. Ихтиёрий* $z_0\in S^1$ *нуқтани қараймиз.* $\Phi_{n,z_0}(t)\ \ {}_{n=1}^{\infty}$ - $\Delta_{n,c}\ \ z_0$ *интервалга биринчи нормалланган тушиш вақти* $\bar{E}_{n,z_0}(x)$ *га мос, айланадаги Лебег ўлчовига нисбатан тақсимот функцияси кетма-кетлиги бўлсин. У ҳолда:*

1) *Ихтиёрий* $t\in R^1$ *лар учун қуйидаги чекли лимит мавжуд:*

$$\lim_{n\to\infty}\Phi_{n,z_0}(t)=\Phi_{z_0,c}(t),$$

бундан ташқари $t\le 0$ *да* $\Phi_{z_0,c}(t)=0$ *ва* $t>1$ *да* $\Phi_{z_0,c}(t)=1$;

2) $\Phi_{z_0,c}(t)$ $[0,1]$ *да қатъий ўсувчи ва* R^1 *да узлуксиз тақсимот функцияси бўлади.*

3.3 параграфда битта x_0 нуқтада синишга эга бўлган айлана гомеоморфизмлари учун нормалланган тушиш вақтларининг лимит тақсимот функциялари регулярлиги ўрганилган.

3.3 параграфнинг асосий натижасини келтирамиз.

Теорема 3.3.1. $T\in C^{2+\varepsilon}(S^1\setminus\{x_0\})$, $\varepsilon>0$, *битта* x_0 синиш нуқтасига эга ва ρ *иррационал буриш сони олтин кесимга тенг бўлган айлана гомеоморфизми бўлсин.* $\Phi_{n,z_0}(t)\ \ {}_{n=1}^{\infty}$ - $\Delta_{n,c}\ \ z_0$ *интервалга биринчи нормалланган тушиш вақти* $\bar{E}_{n,z_0}(x)$ *га мос, айланадаги Лебег ўлчовига нисбатан тақсимот функцияси кетма-кетлиги ва* $\Phi_c(t)$ *унинг лимит тақсимот функцияси бўлсин. У ҳолда* $\Phi_c(t)$ *функция* $[0,1]$ *интервалда сингуляр бўлади, яъни* $d\Phi_c(t)/dt=0$ *деярли барча (Лебег ўлчови бўйича)* $x\in[0,1]$ *лар учун.*

ХУЛОСА

Умуман олганда, диссертациядан олинган натижалар диссертация ишининг мақсадига эришилганлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Барча асосий натижалар янги ва биргаликда бир ўлчовли динамик системалар назариясига маълум бир хисса қўшади. Диссертация иши синиш нуқтасига эга ва буриш сони иррационал бўлган айлана акслантиришларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқот ишининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

буриш бурчаги «олтин кесим», яъни $\rho = (\sqrt{5}-1)/2 = [1,1,...,1,...]$ га тенг ва синиш нуқталарига эга айлана гомеоморфизмлари учун R_b ренормгруппа алмаштиришининг даврий нуқталари бўлган синиш нуқталари орбиталари ва динамик бўлиниш хоссаларига оид теорема исботланган;

буриш бурчаги «олтин кесим» га тенг ва синиш нуқталарига эга айлана гомеоморфизмлари учун синиш нуқтаси чексиз орбитаси ёрдамида термодинамик формализм қурилган;

Θ_+ бир томонлама кетма-кетликлар фазосида айлана гомеоморфизмлари томонидан ҳосил қилинган, Лебег ўлчовига нисбатан абсолют узлуксиз бўлган σ суришга инвариант ν ўлчов мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган;

битта x_b синиш нуқтасига эга ва иррационал буриш сони $\rho = [m_1, m_2, \dots, m_l, m_{l+1}, \dots]$, $m_s = 1,\ s \geq l+1 > 0$ бўлган $T \in C^{2+\varepsilon}(S^1 \setminus \{x_b\}),\ \varepsilon > 0$, айлана гомеоморфизмлари учун $\mu = \mu_T$ инвариант ўлчов сонли кўрсаткичлари яқинлашиши ҳақидаги теорема исботланган;

буриш сони иррационал бўлган айлана гомеоморфизмлари учун ихтиёрий икки нуқта орбитаси ёрдамида умумлашган динамик бўлиниш кетма-кетлиги қурилган;

Синиш нуқтасига эга бўлган айлана гомеморфизмлари учун $\forall z_0 \in S^1$ да $\Delta_{n,c}(z_0) = [z_0, c_n],\ n \geq 1$, камаювчи интервалга биринчи нормалланган тушиш вақтига мос $\Phi_{n,z_0}(t)\ \Big|_{n=1}^{\infty}$ тақсимот функцияси кетма-кетлиги учун ушбу $\lim\limits_{n\to\infty} \Phi_{n,z_0}(t) = \Phi_{z_0,c}(t), \quad \forall t \in R^1$ лимит мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланди. Бундан ташқари, $\Phi_{z_0,c}(t)$ лимит тақсимот функцияси R^1 да узлуксиз ва [0,1] да қатъий ўсувчи ҳамда $t \leq 0$ да $\Phi_{z_0,c}(t) = 0,\ \ t > 1$ да $\Phi_{z_0,c}(t) = 1$ эканлиги исботланган.

$\Phi_c(t)$ лимит тақсимот функцияси [0,1] кесмада сингулярлиги, яъни [0,1] да деярли барча ерда (Лебег ўлчови бўйича) $\dfrac{d\Phi_c(t)}{dt} = 0$ бўлиши исботланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КАРИМОВ ЖАВЛОН ЖУРАБАЙ УГЛИ

ОТОБРАЖЕНИЯ ОКРУЖНОСТИ С ОСОБЕННОСТЯМИ И ТЕРМОДИНАМИЧЕСКИЙ ФОРМАЛИЗМ

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/FM208.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (http://www.ziyonet.uz/).

Научный руководитель:	**Джалилов Ахтам Абдурахманович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ганиходжаев Расул Набиевич** доктор физико-математических наук, профессор
	Рахматуллаев Музаффар Мухаммаджанович доктор физико-математических наук (DSc)
Ведущая организация:	Каракалпакский государственный университет им. Бердаха.

Защита диссертации состоится «24» декабря 2020 года в 10^{00} на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Автореферат диссертации разослан «____» ____________ 2020 года.
(протокол рассылки №____ от «____» ____________ 2020 года).

А.Садуллаев
Председатель Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.ф.-м.н. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Значительная часть научно-прикладных исследований, проводимых на мировом уровне, приводится к проблемам теории динамических систем. Теория гомеоморфизмов окружности является важной частью современной теории одномерных отображений. Гомеоморфизмы окружности впервые изучались в пионерских работах А. Пуанкаре в связи с задачами небесной механики. Фундаментальные результаты в теории гомеоморфизмов окружности были получены в работах таких выдающихся математиков, как А. Пуанкаре, А. Данжуа, А.Н. Колмогоров, В.И. Арнольд, Ю. Мозер, М. Эрман, Ж.К. Йоккоз, Я.Г. Синай, К.М. Ханин, Д. Орнстейн, Й. Катцнельсон и др. Поскольку изучение гомоморфизмов окружности имеет свою интерпретацию при создании различных моделей задач динамических систем и теории вероятностей, результаты, полученные в теории отображений окружности с особенностями, имеют как теоретическое, так и практическое значение и актуальны для современной математики.

В настоящее время в мире одной из актуальных проблем теории динамических систем являются задачи, связанные с отображениями окружности. Важным классом отображений окружности являются диффеоморфизмы окружности. В определенном смысле диффеоморфизмы окружности к настоящему времени изучены хорошо. Естественным обобщением диффеоморфизмов окружности являются критические отображения и кусочно-гладкие отображения. При исследованиях таких отображений с особенностями важную роль играет метод термодинамического формализма. В связи с этим: исследование асимптотических поведений числовых характеристик инвариантной меры для отображения окружности с изломами и иррациональным числом вращений; доказательство предельной теоремы о временах попадания для кусочно-гладких гомоморфизмов окружности с изломами; построение термодинамического формализма для гомеоморфизмов окружности с изломами является одним из целевых научных исследований.

В нашей стране большое внимание уделялось и продолжает уделяться фундаментальным наукам, имеющим прикладное значение. Гомеоморфизмы окружности важны не только для естественных наук, но и для экономики, теории информации, биологии, для изучения различных болезней сердца, при анализах крови и т.д. Значительные результаты были достигнуты в исследования гомеоморфизмов окружности с особенностями. Проведение научных исследований на международном уровне по важным направлениям специальности «Теория динамических систем» рассматривается как основная задача фундаментальных исследований[2]. Развитие теории динамических систем и гомеоморфизмов окружности играют важную роль при исполнении этого постановления.

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» и ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

